



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 17 сентябрь, № 193 (7423)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДАВЛАТ ДУМАСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 сентябрь куни Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат думаси раиси Вячеслав Володин бошчилигида мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган делегацияни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, мунтазамлик касб этган олий даражадаги самарали мулоқот Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларига мутлақо янги суръат бағишлаб, уларни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилганини катта мамнуният билан қайд этди.

Шу маънода, Давлат думаси юксак даражали делегациясининг ушбу ташрифи кўп қиррали ҳамкорликни ҳар томонлама мус-

таҳкамлашга икки томон ҳам интилаётганининг навбатдаги тасдиғидир.

Вячеслав Володин, ўз навбатида, самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг салом ва энг эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транс-

порт-коммуникация, илмий-техник, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Фаол парламентларо мулоқот ва алмашинувларни, жумладан, Ўзбекистон ва Россия парламентлари палаталари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик механизмлари билан самарали фойдаланган ҳолда давом эттириш муҳимлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг турли масалалари бўйича

яқин шерикликни йўлга қўйиш, ҳудудларо алоқалар ва истиқболли кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, икки ва кўп томонлама қелишувлар, жумладан, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган битимларни амалга оширишга кўмаклашиш ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Вячеслав Володин Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида

парламентларо алоқаларни кенгайтиришга интилиши қатъий эканини таъкидлади.

Учрашув сўнггида юқори мартабали меҳмон жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларига сайловлар муваффақиятли ўтишини тилади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати
суратлари.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

**Туркий тилли давлатлар
ҳамкорлик Кенгашини
тузиш тўғрисидаги
Нахичеван Битимини
(Нахичеван, 2009 йил
3 октябрь) ратификация
қилиш ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 13 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 14 сентябрда маъқулланган

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битими (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 14 сентябрь
№ ЎРҚ–568

**Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида**

ЭНДИ ТЎЙ ВА БОШҚА МАРОСИМЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

2019 йил 16 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар халқимизнинг узоқ йиллик қадриятлари ва анъаналарини ўзида акс эттирган тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг 14 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма мажлиси ўтказилди. Унда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан бог-

лиқ муносабатларни тартибга солиш масалалари икки палата аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, мазкур тадбирларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.



Вячеслав ВОЛОДИН:

«ИККИ МАМЛАКАТ ПАРЛАМЕНТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНЯПТИ»

Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат думаси раиси Вячеслав Володин Ўзбекистонда расмий ташриф билан бўлиб турибди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбарияти билан учрашувлар ўтказилди. Томонлар Ўзбекистон — Россия парламентларо муносабатлар кун тартибидagi қатор масалаларни муҳокама қилишди.

Эксклюзив интервью

— Россия Федерацияси ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро алоқалар жадал ривожланмоқда ва ушбу жараёнда икки давлат қонун чиқарувчиларининг алоҳида ўрни бор, — дея таъкидлади В. Володин. — Энг муҳими, ушбу жўшқинлик икки мамлакат раҳбарлари томонидан ўрнатилди. Уларнинг муносабатлари кўп нарсани англатади. Зеро, охириги 2,5 йилда икки давлат раҳбарлари 11 учрашув ўтказди, уларда катта ҳажмдаги ҳужжатлар имзоланди. Бинобарин, мамлакатлар қонун

чиқарувчилари қабул қилинган қарорлар қонуний қўллаб-қувватланишини таъминлаш йўлида ҳеч тўхтамай, бор имкониятларини ишга солиши муҳимдир.

Россия Федерацияси учун Ўзбекистон стратегик шерик ҳисобланади. 2018 йилда мамлакатларимиз ўртасида товар айланмаси 2017 йилдагига нисбатан 21,2 фоиз ошди. 2019 йилнинг ўтган даврида ўсиш 12,2 фоизни ташкил этиб, 4,4 миллиард долларга етди. Лекин бу чегара эмас. Давлатларимиз раҳбарлари мазкур кўрсат-

кични 10 миллиард долларгача етказиш вазифасини қўйишган. Шундай экан, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришни ҳуқуқий шароитлар билан таъминлаш қонун чиқарувчилар зиммасидаги вазифадир.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Россия Федерациясида меҳнат миграцияси бўйича биринчи ўринда туради. Жорий йил июль ойида Ўзбекистондан мигрантлар сони 2,5 миллион кишини ташкил этди. Бу Россия иқтисодиёти учун муҳим ҳисса ва Ўзбекистон иқтисодиётига кўмак ҳисобланади.

Бугун гуманитар соҳадagi алоқаларни кучайтириш борасида ҳам жиддий сил-жишлар ва жадаллик бор. Ўзбекистондан қарийб 29 минг талаба Россия Федерациясида, шулардан беш минг нафари бюджет

асосида таҳсил оляпти. Бу яхши кўрсаткич ва ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш учун асосдир. Ўзбекистонда Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиаллари очилди, яна бир нечтаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича музокаралар кетмоқда.

Россия томони рус тилини ўқитишга қаратаётган эътибори учун Ўзбекистондан миннатдор. Мамлакатдаги 900 та мактаб ва университет шу бўйича қамраб олинган. Бундай эътибор икки томонлама муносабатларни кўп тарафлама таъминлаштириш, жумладан, Россияга ишлаш учун бораётган Ўзбекистон фуқароларига нафақат қурилишларда ишлаш, балки ўзларини бошқа соҳаларда ҳам намойён этишлари учун имкониятлар яратади.



ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДАГИ ЁРҚИН САҲИФАЛАР

жаҳон ОАВ нигоҳида

**Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги ташаббуслар
дунё оммавий ахборот воситаларида ёрқин акс садо бермоқда.**

Эътироф

Жумладан, “The Diplomat” журналида (АҚШ) эътироф этилишича, мамлакатимиз сўнгги йиллардаги фаол сайёҳаракатлари билан Марказий Осиёда яхши қўшничилик муҳитини яратишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Хусусан, ўн йиллар мобайнида давлатларо алоқаларга салбий таъсир кўрсатган сув-энергетика муаммоларини ҳал қилишда эришилган ютуқлар туйғайли Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларда катта бурилиш юз берди.

“Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил март ойида Душанбегга тарихий



ташрифни амалга ошириб, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашди. Олий даражадаги музокараларда 27 та ҳужжат имзоланиб, Шавкат Мирзиёевнинг “мамлакатларимиз ўртасида ҳал қилинмаган муаммолар қолмади”, деган баёноти икки давлат муносабатлари тарихида мутлақо янги саҳифа очилганини тасдиқлади”, деб ёзилади нашрда.

“The Diplomat” шарҳловчилари таъкидлаганидек, сув-энергетика ресурсларига доир келишмовчиликларнинг ҳал қилиниши минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга замин яратди. Натижада қисқа муддатда чегараларнинг демаркацияси бошланди, янги ўтиш нукталари очилди, транспорт ва логистика йўналишлари ишлаб чиқилди, ўзаро виза тартиблари либераллаштирилди ва бу орқали халқлар ўртасидаги алоқалар ривожлана бошлади. “Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорликка интилишини яққол кўрсатмоқда”.

Туркийнинг “TRT” телеканалда қайд этилишича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўзини ислохотчи-етақчи сифатида намойён этмоқда. Телеканалда, айниқса, янги Ўзбекистоннинг ислом дини нуфузини ошириш, миллатларо тотувликни таъминлаш, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш

ва ривожлантириш борасидаги ташаббуслари алоҳида эътироф этилади. Тошкентда Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ва Халқаро ислом академияси, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ташкил этилиши муқаддас динимизнинг асл моҳиятини тушунтириш, маърифий ислом ғоялари тарғиботига хизмат қилади. Мамлакатнинг турли нукталарида масжидлар қурилиб, аҳолининг диний эътиқод эркинлиги учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистоннинг мазкур соҳадagi амалий чора-тадбирлари, “TRT” мухбирлари таъкидлаганидек, республиканинг тизимли маданий дипломатияси шаклланишига, унинг халқаро майдондаги нуфузи ва имжиси яхшиланиб, “юмшоқ куч”нинг (soft power) ривожланишига олиб келди.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
16 сентябрь куни Осиё футбол
конфедерацияси президенти
Шайх Салмон бин Иброҳим
Ал Халифани қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон ва ОФК ўртасидаги самарали шериклик мамлакатимизда футболни оммалаштириш ва ёшларни ушбу спорт турига кенг жалб қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилгани ва изчил ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон 1994 йилдан буюн конфедерация аъзоси ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу ташкилот билан биргаликда футболни ривожлантириш, жумладан, ҳудудларда замонавий спорт инфратузилмасини яратиш ва мавжудларини реконструкция қилиш, ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш, аёллар футболини тараққий эттириш, йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш, техник кўмак бўйича устувор лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган қўллаб-қувватлаш дастурлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда Осиё футбол конфедерацияси билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Мамлакатимизда футбол бўйича йирик халқаро мусобақалар, жумладан,

ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар жамоалари ўртасида қитъа ва жаҳон биринчиликларини ташкил этиш учун имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Конфедерация Ўзбекистонда халқаро даражадаги футбол инфратузилмасини яратиш, услубий таъминот, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, юқори малакали мутахассислар, мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлашда кўмагини давом эттириши муҳим экани таъкидланди.

ОФК президенти давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда оммавий спортни тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган сиёсатни, жумладан, футбол ривожини қўллаб-қувватланаётганини юксак баҳолади.

Шайх Салмон бин Иброҳим Ал Халифа Осиё футбол конфедерацияси Ўзбекистон билан кенг қўламли шерикликни ривожлантириш борасидаги интилиши қатъий экани ҳамда амалий ҳамкорликка қаратилган янги дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга тайёрлигини таъкидлади.

Ў.А.

Кун иқтибоси:

— ОФК Ўзбекистонни ўзининг энг ишончли ҳамкорларидан бири, деб билади. Юртингизда футболга давлат раҳбарияти даражасида эътибор қаратилиши ва ўзбек халқи футболни қанчалик яхши кўришини биз жуда яхши биламиз ва бундан хурсандмиз. Бундай мамлакатлар Осиё қитъасида футболнинг оммалашishi ва ривожланишида катта ўрин тутди.

Мен гўзал юртингизга тўртинчи бор ташриф буюрдим. Ҳар сафар ушбу мамлакатнинг салоҳияти ва футболдаги имкониятлари қанчалик юқори эканлигини ўзим учун қайд этиб ўтаман. Бу сафарги ташрифим алоҳида оҳамиятга эга. Ташрифимиз муносабатларимизни самимий, дўстона ва тўлиқ ишонч асосида йўлга қўйишдан иборат. Чунки айнан дўстлик ва ишонч ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг муваффақият қалити ҳисобланади.



**Шайх Салмон
бин Иброҳим
Ал Халифа,
Осиё футбол
конфедерацияси
президенти**



Вячеслав ВОЛОДИН:
«ИККИ МАМЛАКАТ
ПАРЛАМЕНТЛАРИ
ЎРТАСИДАГИ
АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ
РИВОЖЛАНЯПТИ»

Икки мамлакат парламент аъзоларининг бу галги учрашуви нафақат бир-биримизни яхши тушуниш, балки янада қалин ва самарали мулоқотни йўлга қўйишда асос бўлади. Зотан, муносабатлар доимийликни талаб этади. Шунинг учун Давлат Думаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўртасида парламентлараро ҳамкорлик ҳақидаги келишув имзолашини тўғри, деб ҳисоблаймиз. Давлат Думаси билан мулоқотнинг бундай формати Хитой, Қозоғистон, Франция, Италия, Эрон ва бошқа давлатлардаги ҳамкасбларимиз билан йўлга қўйилганини ҳам эътироф этиш жоиз. Агар Ўзбекистон ҳақида гапирадиган бўлсак, у ҳолда бу келгусида турли йўналишлардаги муносабатларни биграликда ҳал этиш учун олдинга интилишимизга туртки берадиган доиравий келишувдир.

Умид қиламизки, икки мамлакат қонун чикарувчи органлари ўртасидаги муносабатлар янада самарали ривожланади. Биноба-

Сайджон МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН
ТАШҚИ СИЁСАТИДАГИ
ЁРҚИН САҲИФАЛАР
жаҳон ОАВ нигоҳида

Хитойнинг “Синьхуа” ахборот агентлиги хабарида Ўзбекистон ташқи дунёга очилиб, қўллаб-даватлар билан виза тартибини енгиллаштираётганига юксак баҳо берилди.

Шу маънода, жорий йилнинг 12 сентябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан Хитой Халқ Республикаси фуқаролари учун 7 кунгача бўлган муддатга визасиз тартибнинг йўлга қўйилиши тарихий воқеа сифатида эътироф этилди. Хитойлик журналистларнинг фикрига кўра, мазкур Фармон икки мамлакат ўртасида маданий, илм-фан, таълим алмашинувларини кенгайтириш, ўзаро сармоя ва сайёҳлар оқимини кучайтиришга катта туртки беради.



Ўзбекистон экологик тоза муқобил энергетикани ривожлантиришда. Қирғизистоннинг “CA-News” янгиликлар агентлиги ахборотида шу ҳақда сўз юритилган. Хусусан, ақинда Франциянинг “ТОТАЛ Эрен” компанияси республикада давлат-хусусий шериклик шартлари асосида умумий қуввати 100 МВт бўлган фотоэлектрик станция қурилишига 150 миллион евро сармоя киритиши республиканинг бу соҳадаги салоҳиятига хорижий ҳамкорлар катта қизиқиш билдираётганидан далолат беради.

“Лойиҳа Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятида ҳаётга татбиқ этилиши кутилаётди, — деб ёзади “CA-News” муҳбири. — Франциялик ҳамкорлар лойиҳани рўёбга чиқариш (25 йил) давомида электр станциясини лойиҳалаш, молиялаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишни амалга оширади. Қурилиш ишлари 2020 йилда бошланиб, 2021 йилда биринчи фотоэлектр станцияси ишга туширилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳа бўйича келишувга Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил октябр ойида Францияга расмий ташрифи чоғида эришилган эди”.

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Хотин-қизлар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатланади

Гендер тенглик тушунчаси нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказидаги долзарб масала саналади. Соҳа мутахассислари, экспертлар ҳозирги даврда барча давлатлар ҳам аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенглик зарур даражада таъминланмаётганини, бунда кўп омиллар, хусусан, ананалитет билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини қайд этишди. Айниқса, аънаъларий оилага асосланган турмуш тарзи билан яшайдиган давлатларда гендер тенглик остида асрлар давомида қақланиб қолган аънаъаларнинг бўзилиши ҳолатлари кўзга ташланмоқдаки, бу ҳолат дунё жамоатчилигини чуқур ўйлантиради.

Хўш, мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қандай кафолатланади?

Қонун кучга кирди

Президентимиз томонидан шу йил 2 сентябрда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг имзола-ниши юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлиқни таъминлаш масалаларида кенг шарт-шароитларни яратишга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди, десак асло янгилшмаймиз.

Бинобарин, мазкур ҳужжатда гендер тушунчаси кенг очиб берилди. Яъни у хотин-қизлар ва эркаклар имкониятларининг тенглигини, шунингдек, оила, ҳамаю ва жамиятда ресурслар ҳамда хизматлар, умуман, барча соҳалар тенг фойдаланиш,

демократик бошқарув, қарорлар қабул қилишда тенглик асосида иштирок этиш-ни назарда тутати.

Бундан ташқари, Қонун билан давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг қатнашини, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланиши-ни кафолатлаши белгиланди. Бу нимани аңглатади?

Аввало, қайд этиш жоиз, ҳозирги вақт-да аёл нафақат уй бекаси, оқила она, шу билан бирга, уйдабурон тадбиркор, иқти-дорли раҳбар ҳамдир. Ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган фермерлик ҳара-кати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

лик, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илму фан, тиб-биёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби ўнлаб муҳим соҳа ва тармоқлар ри-вожини ҳам уларнинг иштирокисиз тасав-вур этиб бўлмайди. Ҳам оилада, ҳам жа-миятда ўз ўрни, мавқеига эга бўлиб бо-раётган опа-сингилларимизнинг ўз иқти-дорларини тўла-тўқис рўёбга чиқаришла-ри учун Қонунда янада кенг имконият бе-рилгани, албатта, диққатга сазовор.

Шунингдек, ушбу ҳужжатга мувофиқ, эркаклар ва хотин-қизлар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, шунингдек, давлат органлари томонидан ўз ваколатлари до-ирасида амалга оширилади.

Оила — муқаддас даргоҳ. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўта-рилган. Қонуннинг яна бир аҳамиятли жи-ҳати, унда хотин-қизлар ва эркаклар оила-вий муносабатлар соҳасида тенг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эғалиги назарда тутилганлигидир. Булар хотин-қизлар ва эр-каклар никоҳ тузишининг ихтиёрийлиги-га, мажбурий ва эрта никоҳларга йўл қўйилмаслигига, эр ва хотиннинг шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари

ЭНДИ ТҶЙ ВА БОШҚА МАРОСИМЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ҶТАДИ?

Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори билан тасдиқланган Низомга му-вофиқ, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маро-симлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилади. Худудларнинг шароитларидан келиб чиқиб, халқ де-путатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томони-дан ош бериш маросимининг вақти алоҳида белгила-нади. Соат 23:00 дан кейин тўйлар, оилавий тантана-лар, маърака ва маросимларни давом эттиришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда 200 нафаргача, мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 на-фаргача киши қатнашади. Қўшалоқ тўйларда 250 на-

Мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи қўшма қарори тасдиқланди. Ушбу қарор юзасидан депутатлар ўз муносабатини билдирди.

Абдурашид ТўХТАБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Яхши биласиз, парламентимиз юқори палатаси томонидан 2018 йил март ва июнь ойларида тўй-ҳашам-лар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хо-тирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солишга доир қарорлар қабул қилинган эди. Ушбу қарорларни халқимиз жуда яхши кутиб олгани боис, ўтган давр мобайнида айна соҳада қатор ижо-бий натижаларга эришилди. Хусу-сан, Қорақалпоғистон Республика-си Жўқорги Кенгеси, халқ депутат-лари вилоят, туман ва шаҳар Кен-гашларида, шунингдек, фуқаролар йиғинларида оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш ма-салалари бўйича комиссиялар ту-зилди. Сенаторлар, депутатлар,

фаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида 300 нафаргача киши иштирок этиши мумкин.

Мажлисида таъкидланганидек, дафн этиш ва мотам маросимлари кўпи билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилиши мумкин, ош бериш маросими бундан мустасно. Миллий аънааларга ёт, одоб-ахлоқ қоида-ларига зид бўлган турли шоуларни, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган тўйлар, оилавий тантана-лардан олдинги, тадбир давомидаги ва ундан кейинги қўшимча расм-русумларни ўтказишга йўл қўйилмайди.

Оилавий тадбирларнинг дабдабасиз, камхарж ва ихчам, шунингдек, Низом талабларига мувофиқ ўтқа-зилиши учун, биринчи навбатда, маҳалла фуқаролар

— Бугун биз мажлисида тасдиқлаган қўшма қарор халқимизнинг нафақат тўй-тантана ва маросимларини тартибли ўтказиш, балки жа-миятимизда ижтимоий адолат тамойиллари-ни янада мустаҳкам қарор топтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тартиб-интизом, ижтимоий адолат устувор жамиятда эса қону-

Козим ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ёшлар масалалари бўйича комиссия раиси:

— Мазкур қўшма қарор халқимизнинг мил-лий урф-одатлари, маънавияти, маданияти, аънаалари ва қадриятларини ҳурмат қилиш-га, жамоат тартибини сақлашга, фуқаролар-нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, оилавий тадбирларни ўтказишда шухратпарастлик, дабдаба ва исрофгарчиликнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлгидир. Шу боис ҳам жамиятимизнинг фаол қатла-

ришга, давлат органлари ва жа-моат ташкилотлари фаолияти очкилигини таъминлашга, аҳоли-нинг ахборот маданиятини юк-салтиришга қаратилган тадбир-лар ўтказиш кенгаш фаолияти-нинг асосий мезонларидан бўла-ди. Шу билан бирга, кенгаш қўнгўлчилар фаолиятини таклиф этиш ва уни ахборот соҳасига жалб қилиш, шунингдек, ахборот соҳаси субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишга кўмаклашадди. Уларга ҳуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа жи-ҳатдан ёрдам кўрсатади, зарур маслаҳатлар билан кўмак беради.

Шу боис кенгаш таркибига барча муҳим тузилмалардан — Олий Мажлис Қонунчилик пала-таси депутатлари, Сенати аъзо-лари, тегишли вазирлик ва идо-ралар, етачки оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогер-лар, нуфузли жамоат ташкилот-лари вакиллари киритилган.

Қўсқача айтганда, янги тузил-ма чеклаш, тақиқ билан эмас, балки соҳани тараққий эттириш билан шуғулланади.

Эркин ХОЛЕЇТАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати.

тенглигига, оиланинг ички можароларини ўзаро келишув бўйича ҳал қилишга, уй меҳнатига нисбатан ҳам икки томоннинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг тенгли-гига асосланади.

Шу билан бирга, Қонунга биноан, бо-лаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишда, вояга етмаган ҳамда меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашда ота-она-лар тенг иштирок этади. Бола туғилиши муносабати билан она ҳам, ота ҳам ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Бо-лани парварishiлаш бўйича таътилнинг да-вомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра, улар ўртасида бўлиниши мумкин, бунда ота-она таътилдан уни қисмларга бўлган ҳолда фойдаланиши мумкин.

Албатта, буларнинг барчаси оилалар мустаҳкамлигини кафолатлаши баробари-да, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясида-ги масъулиятини бирдек кучайтиришга хизмат қилади. Чунки юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига муносиб улуш қўшади-ган ўғил-қизларни тарбиялаб воғга етқа-зиш, уларда мамлакат тақдирига дахлдор-лик тўғрисида кучайтириш бугунги кунда ҳаётий заруратдир.

Умуман айтганда, ушбу ҳужжат хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги му-носабатларни тартибга солади. Демак, бундан аңглашиладики, у ҳар бири-мизнинг ҳуқуқ ва манфаатларимизнинг ишончли кафолати ҳамдир.

Мамлакат МАХКАМОВА,
Тошкент давлат техника университети
Ижтимоий-гуманитар фанлар маркази
раҳбари, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор.



Йиғинлари раислари ва ички ишлар органлари профи-лактика инспекторлари шахсан масъул ҳисобланади.

Тадбир

Пойтахтимизда «Ўзбекистонда арбитражнинг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари» мавзuida халқаро анжуман ўтказилди.

Арбитражни ривожлантириш истиқболлари:

МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури, USAID халқаро ташкилотлари ҳамкор-лигида ташкил этилган ушбу тадбирда парламент аъзолари, Савдо-саноат палатаси мута-саддилари, ҳуқуқшунос олим-лар, миллий ҳамда хорижий экспертлар, шунингдек,

оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Хўш, бугунги кунда Ўзбекис-тонда арбитраж фаолиятининг ҳолати қандай? Ушбу соҳани ривожлантириш учун яна нима-лар қилиниши лозим?

Йиғилишда ана шундай долзарб масалалар ўртага ташланиб, маҳаллий ҳамда халқаро экспертлар иштиро-лар, миллий ҳамда хорижий экспертлар, шунингдек,

Алишер КУРМАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:

— Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбар-лигида жамият ҳаётининг барча соҳасида олиб борилаётган ис-лохотлар ва янгиланишлар туфайли юртимизнинг инвестициявий жозибадорлиги тобора ошиб борапти. Бунда тадбиркорлик субъект-ларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашда низоларни ҳақамлик судларида ҳал этиш механизми-нинг татбиқ қилиниши муҳим ўрин тутмоқда.

Шунингдек, анжуманда ар-битраж институтининг турли жи-ҳатлари, халқаро арбитражни шакллантириш ва ривожланти-риш бўйича хорижий ҳамда миллий тажриба, Ўзбекистонда ҳақамлик судлари фаолияти ва уларни ривожлантириш истиқ-боллари бўйича ўзаро фикр ал-машилди.

Турли давлатларда жойлаш-ган тижорат ташкилотлари, жумладан, хорижий инвестор-лар ўртасида юзага келадиган

шартномавий ва бошқа фуқа-ролик-ҳуқуқий муносабатлар-дан келиб чиқадиган, қолавер-са, инвестициялар, интеллек-туал мулк ҳамда блокчейн тех-нологиялари билан боғлиқ ни-золарни ҳал қилиш механизм-ларини такомиллаштириш за-рурлиги қайд этилди. Қола-верса, бетарафлик ва адолат таъминланиши асосида иш юритиши кераклиги айтиб ўтилди.

Киран САНҲҲЕРА,
Гонконг халқаро арбитраж марказининг бизнесни ривожлантириш бўйича директори ўринбосари:

— Мамлакатингизда иқтисодийни либераллаштириш, инвес-торлар, айниқса, хорижий сармоядорлар фаолияти учун ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, шунингдек, халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Буни соҳада татбиқ этилаётган йирик лойиҳа ва ташаббуслардан ҳам қўриб турибмиз.

Қарийб 34 йилдан бери фаолият юритиб келаётган Гонконг арбитраж марказида катта тажриба тўпланган. Охириги ўн йил да-вомида турли мамлакатлардаги янги арбитраж марказлари фао-лиятини йўлга қўйишда ўз тақлифларимиз билан иштирок этиб келямиз. Шу маънода, Ўзбекистон билан ҳам қадрлар малакаси-ни ошириш, арбитраж ишини самарали йўлга қўйиш бўйича ҳам-корлик қилиш ва бу борадаги ислохотларни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

Тадбирда сенаторлар, БМТД лойиҳаси, Осиё тараққиёт бан-ки экспертлари ҳам ўз маъру-залари билан иштирок этиб, юр-тимизда арбитраж соҳасини янада ривожлантириш, унинг қонунчилик базасини такомил-лаштиришининг самарали усул ва механизмлари ҳақида амалий тақлифлар билдиришди.

Яқунда Тошкент халқаро ар-битраж маркази ҳамда Гонконг арбитраж маркази ўртасида меморандум имзоланди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).



Кунни кеча Россиянинг Оренбург вилоятида жойлашган «Донгуз» полигонидида «Марказ – 2019» ҳарбий стратегик кўмондонлик-штаб ўқувларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги мутасаддилари, Марказий ҳарбий округ қўшинлари ва ўқув машқларида иштирок этаётган хорижий ҳарбий контингент вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари катнашди.

— Ўқув машқларидан кўзланган мақсад ҳарбий йўналишида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришдир, — дейди Россия Федерацияси мудофаа вазири ўринбосари, генерал-лейтенант Юнус-Бек Евкуров. — Бугунги кунда ҳар қандай таҳдидларга, шу жумладан, халқаро терроризмга қарши курашишда бу жуда муҳим саналади.

«Марказ – 2019» стратегик кўмондонлик-штаб ўқувлари бошланди

қабул учун миннатдорлик билдирди ва ушбу тадбирнинг муҳимлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг кетма-кетлик билан Россия Марказий ҳарбий округи қўшинлари, сўнгра Ҳиндистон, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Покистон ҳарбийлари минбар олдида тантанали марш билан ўтишди.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий машқлар давомида Марказий Осиё минтақасида халқаро терроризмга қарши курашиш вазифаларини биргаликда бажариш, ҳарбий кучларнинг Россия Федерацияси ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари миллий маффаатларини ҳимоя қилишга тайёрилигини намойиш этувчи давлатлар қўшинлари гуруҳларидан самарали фойдаланиш режалари кўриб чиқилади.

Машғулотнинг биринчи босқичида Ўзбекистон ва Тожикистон куролли кучлари штаб офицерлари биргаликда ўқув-жанговар вазифани бажаришни режалаштириш масалаларига тўхталади. Икки давлат шартли равишда ўз Жанубий чегараларида куч гуруҳлари томонидан келишилган ҳаракатларни олиб боради. Иккинчи босқичда эса «Донгуз» полигонидида Ўзбекистон ва Тожикистон ҳарбий

Фестиваль

Қадимий ва навқирон Хива яна бир нуфузли халқаро анжуманга мезбонлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида аънавий “Рақс сеҳри” халқаро фестивали ўтказилляпти.

ЎЗБЕК РАҚСИ СЕҲРИ

Президентимизнинг 2017 йил 4 майдаги “2017 — 2021 йилларда Хива шаҳри ва Хоразм вилояти сайёҳлик салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори ихросини таъминлаш, воҳага ташриф буораётган хорижлик сайёҳлар орасида бой маданий меросимизни кенг тарғиб этиш ва шу орқали “Арт” туризмни ривожлантиришга қаратилган мазкур санъат байрамида 20 га яқин давлатлардан рақс санъати усталари, республикамизнинг турли худудларида фаолият кўрсатаётган фольклор жамоалари иштирок этмоқда. Фестиваль тадбирларини маҳаллий ва бир қатор хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари кенг ёритиб бормоқда.

Кўҳна Арк, Жума масжиди ва Ота дарвоза олдидаги майдон янада гўзал ва мафтункор қиёфа касб этган. Фестиваль доирасида бу ерда “Ўзбекистон миллий рақс санъати” фотокурғазмаси, халқ хунарамандчилиги махсулотлари ярмаркаси ташкил қилинди. Вилоят мусикали драма театри ва Хива кўғирчоқ театрининг сахна кўринишлари, масхарабозлар, дорбозлар томошалари, Хоразм нонларини тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари ва шоу дастурлар иштирокчиларга бир олам завқу шавқ улашмоқда. Рақс санъати усталари билан ижодий учрашувлар, сайёр концерт дастурлари уюштириляпти.

“Улли ховли” сайёҳлик марказида ўтказилган конференцияда жаҳон халқлари рақс санъати тарихи ва ривожланиш босқичлари, истиқболлари хусусида ўзаро фикр алмашилди.



Гайатхри Шарма, фестиваль иштирокчиси (Ҳиндистон):

— “Рақс сеҳри” халқаро фестивали, бу — маҳорат, истеъдод, гўзаллик байрамидир. Эртақмонанд шахарнинг бетакрор жозибаси фестиваль шуқуҳи ва тароватини янада оширди. Эътиборли жиҳати унда ижро этилган рақсларнинг ҳар бирида ўша халқнинг миллий тарихи, қадриятлари ўз аксини топган. Биз ҳам миллий рақс санъатимиз намуналарини тақдим этдик. Юртингизда ҳинд рақсларини жуда катта қизиқиш билан томоша қилишларини кўриб ниҳоятда тўлқинлана кетдим. Келгуси йил Хивага, рақс байрамига яна келишни ният қилдик.

Ассия Нишел, сайёҳ (Франция):

— Эрталабдан “Ичан қалъа” узра янграётган ўйноқи наволарни эшитиб, кайфиятимиз кўтарилди. Миллий либослардаги йигит ва қизлар рақсларни ҳоссақ маҳорат билан ижро этаётганлигини кўриб қойил қолдик. Жўшқин қуй ва қўшиқлар беихтиёр бизни рақсга чорлади. Соз сеҳридан тўлқинланиб, мен биринчи рақс билан келган ҳамюртларим ҳамда бошқа чет эллик сайёҳлар қадимий бош қийим — чўғирмани кийиб, раққос ва раққосаларга қўшилиб ўйнашга тушдик. Фестиваль доирасида ташкил этилган қатор кўрғазмалар ва унда акс эттирилган ўзбек хунарамандларининг, тасвирий санъат усталарининг асарларидан катта таассурот олдим.

Гавҳар Матёқубова, Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилояти бўлинмаси саҳналаштирувчи балетмейстери, Ўзбекистон халқ артисти:

— Миллий маданиятимизни дунёга танитадиган ушбу санъат фестивалининг айнан Хоразмда ўтказилаётгани айни муддао. Негаки, бу замин ўзининг бетакрор рақс санъати, “Норим-норим”, “Оразибон”, “Бир юз бир”, “Алиқамбар” каби дурдоналари билан бутун жаҳонда доврўқ қозонган. Айниқса, мўъжиза сифатида эътироф этиладиган “Лазги” қуйи чалинганда нафақат кекса-ю ёш юртдошларимиз, ҳатто хорижликлар ҳам беихтиёр рақсга тушиб кетишди. Ушбу фестиваль янги истеъодларни излаб топиш ва кашф этиш, миллий маданиятимизни

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи».)

ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИДА 22 ТА КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, жорий йилнинг 13-14 сентябрь кунлари Наманганда «XXI асрда тиббиёт ва фармацевтиканинг ривожланишида инвестициялар ва инновацияларнинг роли» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унинг доирасида Ўзбекистон ҳукумати, Наманган вилояти ҳокимлиги ва бир қатор хорижий тиббиёт компанияларининг вакиллари иштирокида тор доирадаги музокаралар ўтказилди. Айниқса, Кувейт давлатининг дунёга машҳур “Mutawa trade”, “Amsterdam international trading CO”, “Business rekordes” компаниялари билан мулоқотлар самарали кечди. Бундан ташқари, хорижий инвесторлар вилоятдаги бир қатор тиббиёт муассасаларида даволаш ва диагностика соҳасида илгор технологияларни жорий этиш, фармацевтика корхоналари билан ишлаб чиқариш ва савдо бўйича ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан музокаралар олиб борди. Пировардида Австрия, Германия, Исроил, Миср, Покистон, Россия, Словакия, Украина, Ҳиндистон ва Хитой компаниялари билан умумий қиймати 92,7 млн. долларлик 22 та келишувга эришилди.

“Косонсой фарм” эркин иқтисодий зонасида фаолият юритувчи “Спринг фармацевтик” МЧЖ ҳамда Миср

по этиш, “Мерримед Фарм” МЧЖ билан Германиянинг “Textima Export Import GmbH” компанияси ўртасида 30,0 млн. долларлик кўп тармоқли замонавий тиббий марказ ташкил этиш бўйича келишувлар шулар жумласидандир.

Наманган шаҳридаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, хусусий клиникаларда ўтказилган мураккаб амалиётлар дунёнинг таниқли жарроҳлари ва наманганлик шифохорлар тажриба алмашинувида муҳим омил бўлди.

Наманган давлат университетида Урал давлат тиббиёт университетининг Ўзбекистон — Россия қўшма тиббиёт факультети очилишига бағишланган тантанали

Сўз — анжуман қатнашчиларига			
Ольга Ковтун, Урал давлат тиббиёт университети ректори (Россия): — Таълим тарақиёти барча соҳалар сингари тиббиёт ривожини таъминлашда ҳам ҳал қилувчи ўрин тутади. Бу ҳақда сўз борар экан, ўз даврида Россияда тиббиёт мутахассислари тайёрлаш борасида бир қатор муаммо ва долзарб масалаларни ечишга тўғри келганлигини таъкидлаш жоиз. Айтмоқчиманки, бу йўналишда етарли тажрибамиз бор. Наманганда очилган филиалда ҳам таълим жараёнини ана шу кўламда йўлга қўямиз. Бу билан нафақат НамДУ, балки Ўзбекистоннинг бошқа тиббиёт олий таълим муассасаларида ҳам ўқитишнинг илгор технологияларини кенг ёйишга имконият яратилади.	Сапна Чадна, “HCE Medical Group” компанияси директори (Буюк Британия): — Ўзбекистонда давлат тиббиёт муассасалари қатори тадбиркорлик асосидаги хусусий шифохоналарга ҳам бирдай эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. “Anamed”, “Oyudin shifo”, “Doktor-A” сингари клиникаларнинг моддий-техника имкониятлари, хусусан, улардаги замонавий тиббиёт ускуналари, нафақат аниқ тахсис қўйиш, балки мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётлари ўтказишга ҳам қодирлиги билан аҳамиятга молик.	Муҳаммад Салом Хон, “Kulsum international hospital” шифохонаси раҳбари (Покистон): — Икки йилдан буён “Doktor-A” хусусий тиббиёт муассасаси билан ҳамкорлик қилиб келамиз. Халқаро анжуман кунлари бу ерда наманганлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда юрак-қон томир йўлларини тромблардан тозалаш бўйича жарроҳлик амалиётларини ўтказдик. Шу билан бирга, Наманган шаҳрида инвестиция лойиҳаси асосида 8 миллион АҚШ доллари қийматидаги тиббий марказни барпо этишга тайёргарлик билан боғлиқ ишлар ҳам жадаллаштирилди.	Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»):

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом» талабларига мувофиқ,

Олий мактаб

2020 йил учун 08.00.16 — «**Рақамли иқтисодиёт ва халқаро рақамли интеграция**» ихтисослиги бўйича таянч докторантура (PhD), докторантура (DSc) ва мустақил изланувчиликка тўлов-контракт асосида

Танлов Ёълон қилади.

Олий мактаб таянч докторантурасига (PhD) қабул қилиш учун хужжатлар рўйхати:

- ариза;
 - қисқача биографик маълумотнома (объективка);
 - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
 - олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
 - нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
 - паспорт нусхаси, тўрт дона расм (3х4 см. ўлчамда).
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли хужжат нусхасини тақдим этади.
- Эслатма: таянч докторантурага (PhD) қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:
- магистр даражасига ёки олий маълумот тўғрисидаги дипломга (мутахассислик дастурлари бўйича);
 - фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига.
- Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

Талабгорларда IELTS (ўртача балли камида 5,5), TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлса, улар чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади.

Талабгорларнинг таянч докторантурага кириш имтиҳонлари натижалари бўйича улар томонидан тўпланган якуний баллари тенг бўлган тақдирда қуйидаги устуниқлар берилади:

- магистратурани аъло баҳолар билан тамомлаганлар;
 - муаллифлик гувоҳномалари ва патентга эга бўлганлар;
 - журналларда, шу жумладан, хорижий журналларда (бошқа талабгорларга нисбатан) кўп илмий мақолалар чоп этганлар.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси соҳиблари таянч докторантурага кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.
- Таянч докторантурага ажратилган квота миқдори — 3 та.
- Таянч докторантурага қабул қилинадиган талабгорлар имтиҳон натижаларидан ва ажратилган қабул квотасидан келиб чиқиб, қабул комиссияси томонидан жорий йилнинг 30 ноябригача бўлган муддатда аниқланади.
- Олий мактаб докторантурасига (DSc) қабул қилиш учун хужжатлар рўйхати:**
- ариза;
 - қисқача биографик маълумотнома (объективка);
 - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
 - олий маълумот, фан номзоди ёҳуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
 - нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
 - тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
 - бошқа олий ўқув юртидан келган талабгорлар учун директор номига хат;
 - паспорт нусхаси, тўрт дона расм (3х4 см. ўлчамда).
- Эслатма: докторантурага (DSc) қуйидаги хужжатлар асосида қабул қилинади:
- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёҳуд хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
 - фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёҳуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.
- Талабгорларнинг докторантурага суҳбат натижалари бўйича улар томонидан тўпланган якуний баллари тенг бўлган тақдирда талабгорларга қуйидаги йўсинда устуниқлар берилади:
- 5 йилдан ортиқ илмий-педагогик стажга эга бўлганлар;
 - муаллифлик гувоҳномалари ва патентга эга бўлганлар;
 - монография (ижтимоий-гуманитар фанлар учун), талабгорнинг диссертация мавзуси бўйича ОАҚ рўйхатига мувофиқ илмий журналларда, шу жумладан, хорижий журналларда чоп этилган сони бўйича (бошқа талабгорларга нисбатан) кўп миқдорда илмий мақолага эга бўлганлар;

- диссертация тадқиқоти ҳажмининг 50 фойздан кўп қисмини бажарганлар.
- Докторантурада ўқиш учун қираётган талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбат асосида қабул қилинади.
- Докторантурага ажратилган квота миқдори — битта.
- Докторантурага кирувчи талабгорлар суҳбат натижаларидан ва ажратилган қабул квотасидан келиб чиқиб, қабул комиссияси томонидан жорий йилнинг 30 ноябригача бўлган муддатда аниқланади.
- Мустақил изланувчи сифатида (PhD, DSc) докторантурага қабул қилиш учун хужжатлар рўйхати:**
- ариза;
 - қисқача биографик маълумотнома (объективка);
 - фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш, мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
 - фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш, мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;
 - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
 - илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
 - иш жойидан тавсифнома;
 - паспорт нусхаси, тўрт дона расм (3х4 см. ўлчамда).
- Эслатма: фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қуйидаги хужжатларга эга бўлганлар қабул қилинади:
- магистр дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга;
 - белгиланган илмий мақолаларга;
 - камида икки йиллик илмий-педагогик иш стажи ёки муайян илмий ютуқлар (ихтиро учун патентлар ёки муаллифлик гувоҳномалари)га.
- Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки уларга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган дипломга эга бўлган, белгиланган тартибда талабларга мувофиқ илмий даража олгандан сўнг салмоқли илмий ютуқларга эришган шахслар расмийлаштирилади.
- Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка ажратилган квота миқдори — учта, фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка ажратилган квота миқдори — битта.
- Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 30 ноябргача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижаларидан ва ажратилган қабул квоталаридан келиб чиққан ҳолда, қабул комиссиясининг тегишли хулосасига асосан амалга оширилади.

Хужжатлар 2019 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 25-уй. Мурожаат учун телефонлар: 71-239-03-02, 71-239-03-17. Электрон манзил: z.berdinazarov@rgsbm.uz



РОЗИ ГРИНЛИС,
Жаҳон хунармандлар кенгаши
президенти:

— Мен Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу аjoyиб фестивалнинг тантанали очилиш маросимидаги нутқини тўлқинланиб тингладим. Давлат раҳбари хунармандчилик аъёнларини сақлаб қолиш ва уларни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бераётгани олқишларга сазовор ва бу ноёб ҳодисадир.

Ўзбекистонда бой маданий-маърифий меросга хунармандчилик орқали ҳурмат кўрсатиш устувор вазифа даражасига кўтарилган. Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, хунармандчилик аъёнларини ёшларга ўргатиш, уларни авлодлардан-авлодларга етказиш ўта муҳимдир. Ҳақиқатан ҳам, бу ташаббуслар кўча асрлардан бизгача етиб келган хунармандчилик маданиятини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Гада КАДДУМИ,
Осиё — Тинч океани минтақаси
хунармандлар кенгаши раҳбари:

— Ўзбекистонда биринчи Халқаро хунармандчилик фестивали ўта юқори даражада таъкидлангани алоҳида таъкидламоқчиман. Мамлакатнингиз билан ҳамкорлик қилиш, халқ амалий санъати байрамларини биргаликда ўтказиш биз учун муҳимдир.

Қисқа муддатда бундай кенг қўламли анжуманнинг юқори сатҳида уюштирилгани ҳавасимизни келтирди ва барчамизни хайратга солди. Бу мамлакат раҳбарияти томонидан кўп асрлик хунармандчилик аъёнларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масалаларига берилган катта эътиборни намойиш этди. Биз фестивалдан чуқур эстетик завқ олдик.

Фестиваль арасида Жаҳон хунармандлар кенгаши томонидан Кўкон шахрига "Жаҳон хунармандлари шахри" деган юксак мақом берилди. Бу Бухоро, Самарқанд, Марғилон ва Тошкент шаҳарларини ҳам ушбу рўйхатга киритиш йўлидаги дастлабки қадамдир. Биз бундай сайёҳаракатларни тўла қўллаб-қувватлашга тайёриймиз.

Азамат ЖАМАНКУЛОВ,
Қирғизистон Республикаси
маданият, ахборот ва туризм
вазир:

— Глобаллашув шароитида халқларимизнинг буюк меросини сақлаш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Хунармандчилик аъёнлари ана шу бетакрор меросимизда алоҳида ўринга эга.

МУШТАРАК ДИЛЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ЧИНАКАМ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АНЖУМАНИ

ЮНЕСКО раҳнамолигида Кўконда бўлиб ўтган биринчи Халқаро хунармандчилик фестивалида дунёнинг 78 мамлакатидан 370 дан ортиқ хунарманд, академик ва маданий-гуманитар доиралар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, барчани чин юракдан қўтлади ва юртимизга, ушбу анжуманга бўлган катта ҳурмат ва эътибори учун хорижий меҳмонларга ташаккур изҳор этди.

Ўз навбатида, хорижий давлатлар ҳукумат аъзолари, дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, таниқли давлат ва жамоатчилик арбоблари жаҳон маданият майдонига дадил кириб келган янги воқеа ҳақидаги таассуротларини "Халқ сўзи" ва "Дунё" АА мухбирларига сўзлаб беришди.

Бугун дунёнинг хилмахилликка муҳтожлиги кузатишмоқда. Шу боис Ўзбекистоннинг мазкур ташаббуси жуда ҳам тўғри ва анжуман миқёси ўта таъсирлидир. Мамлакатнинг хунармандлар фаолиятини самарали ташкил этиш, давлат томонидан уларга катта имтиёз ва преференциялар бериш борасидаги тажрибаси халқаро миқёсда ўрганишга муносибдир.

Актоти РАИМКУЛОВА,
Қозғистон Республикаси
маданият ва спорт вазир:

— Ўзбекистон маданий меросини, жумладан, халқ амалий санъатини сақлаш масалаларига катта аҳамият

халқ ижодиёти ва санъати аъёнлари бўлган катта эътиборини яна бир бор намойиш этди. Бу глобаллашув даврида, айниқса, биз халқ ашулалари ва рақсларини унутмаётган бир вазиятда жуда қадрлидир.

Инсон зоти ўз оиласи, ота-боболари, аъёнларини қадрлаши билан хурматга сазовордир. Бугунги фестивалда ўхшаш анжуманлар бизга келажакда ўзлимизни йўқотмаслигимиз учун имконият беради.

Абулфас КАРАЕВ,
Ўзбекистон маданият вазир:

— Глобаллашув даврида маданий меросни сақлаш ҳар қандай давлатнинг биринчи даражали вазифаларидир.

Ўзбекистонда бой маданий-маърифий меросга хунармандчилик орқали ҳурмат кўрсатиш устувор вазифа даражасига кўтарилган. Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, хунармандчилик аъёнларини ёшларга ўргатиш, уларни авлодлардан-авлодларга етказиш ўта муҳимдир.

қаратмоқда. Қардош давлат тажрибаси Қозғистонда ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Номоддий маданий меросини сақлашдек эзгу ишнинг чегараси йўқ.

Хунармандлар кўргазмасини томоша қилар эканман, усталар йўқолишга юз тутган техника ва хунарларни қайта тиклаб, тарғиб қилаётгани мени хайратга солди. Бундай маҳорат эгалари ва уларнинг давомчилари борлиги катта бахтдир. Қоғозга сурат туширувчи усталар, айниқса, менда катта таассурот қолдирди. Ёш усталар бу санъат турини янада ривожлантириш учун янгидан-янги гоғлар таклиф этаётгани эса таҳсинга сазовордир.

Владимир МЕДИНСКИЙ,
Россия Федерацияси
маданият вазир:

— Фестивалнинг тантанали очилиш маросими Ўзбекистон раҳбариятининг

дан бўлиб қолмоғи керак. Чунки халқнинг мафқураси, маърифати, менталитети каби теран тушунчалар миллий қадриятлари асраб-авайлашга асосланади.

Халқ ижодиётини миллатнинг ўзигини, унинг ижодий изланиши, ҳиссиётлари, кечинмалари, фикрлари ва аъёнларини намойиш қиладиган восита сифатида кўриш керак. Шу маънода, Кўкондаги халқаро фестивал ва Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги таклифлари дунё миқёсида ўрганиш ва қўлланашга лойиқлиги ҳақидаги фикрга мен ҳам қўшилиман.

Бу нафақат ўз ижодиётини тақдим қилиш, балки номоддий маданий меросини сақлаб қолиш борасида халқаро миқёсда ўзаро тажриба алмашиш, ўрганиш ва англаш учун жуда ҳам қулай имконият яратди. Ўзбайжон делегацияси фестивалда кенг таркиб-

да қатнашди. Юртдошларим батикдан тортиб ёғоч ўймакорлиги ва совғалар тайёрлашгача бўлган йўналишларда ўз ишларини намойиш этди.

Ўзбекистон билан хунармандчилик соҳасида ҳамкорлик қилиш истиқболли, деб ҳисоблайман.

Изабель Сервоз-ГАЛЛУЧЧИ,
Франциянинг Ўзбекистондаги
янги тайинланган элчиси:

— Мен Ўзбекистонга яқинда келдим ва мамлакатни ўзим учун кашф қилишни Кўкондаги халқаро фестивалдан бошлаганимдан бахтиёрман. Ранглар, бўёқлар ва газламалар хилмахиллиги мени ўз сеҳрига тортиди.

Францияда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам кўп асрлик аъёнларини чуқур қадрлаш экан. Шу боис мамлакатларимизнинг маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги истиқболлари ёрқиндир. 2021 йил Лувр музейида ташкил этиладиган Ўзбекистон кўргазмаси маданият соҳасидаги алоқаларини янги босқичга кўтарди.

Наталья КАРЧЕВСКАЯ,
Беларусь маданият вазирининг
биринчи ўринбосари:

— Кўкондаги ушбу оламшумул воқеада беларус усталари ҳам қатнашди. Биз бундан нахотда хурсандмиз ва ўзбекистонликлар уларнинг ишларини муносиб баҳолади, деган умиддамиз.

80 га яқин давлатлар халқ-амалий санъати вакиллариининг ёрқин ва дилларни ларзага солган фестивали Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва сайёҳаракатлари мевасидир.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида алоҳида тўхталмоқчиман. Бу тадбир мураккаб режиссурага асосланган бетакрор музикаий-бадий воқеага айланди. Мазкур соҳа мутахассиси сифатида айтишим мумкинки, аъёнвий музика ва рақсларга асосланган бундай ёрқин дастурни тайёрлаш ўта мураккабдир. Шу боис халқ томонидан байрам дастури самимий ва кўтаринки руҳда қабул қилингани бизнинг ҳавасимизни келтирди. Бу нафақат мезбонлар, балки фестивалнинг барча меҳмонлари ва қатнашчилари учун унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Меҳмондўстлик учун катта раҳмат,



ФОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Кўкон шахрида биринчи Халқаро хунармандчилик фестивалнинг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда хунармандчилик бўйича ўтказилган кўрик-танловнинг якуний босқичи натижалари ҳам эълон қилинди. 34 йўналишда 1116 нафар маҳаллий, 78 давлатдан 191 нафар хунарманд қатнашган ушбу танловда фарғоналик ўймакор хунарманд, Ўзбекистон халқ устаси Муҳаммадали Юнусов "Энг яхши хунарманд" деб топилди. Тожикистонлик Абдуқоҳгор Ҳамдамов "Энг яхши хунармандчилик мактаби устаси", қозғистонлик Карим Бектош эса "Қадимий хунармандчилик турини тиклаган хунарманд" сифатида эътироф этилди. Бундан ташқари, Африка, Аргентина ва юртимизнинг яна бир қанча моҳир хунармандлари ҳам турли йўналишларда рағбат-

лантирилди. Умуман, барча гоғиб ва совриндорлар пул мукофоти ҳамда дипломлар билан тақдирланди.

Халқаро хунармандчилик фестивали давомида жараёнларни фаол ёритиб борган халқаро ва маҳаллий журналистлар меҳнати ҳам эътироф этилди.

Умуман, кўтаринки кайфиятда, кенг қамровли дастур асосида ўтказилган фестиваль, Президентимиз таъбири билан айтганда, нафақат кўп миллилатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон хунармандлари, бутун дунё усталарининг катта байрамга айланди. Иштирокчиларга олам-олам завқ, таассурот бағишлади.

ички ҳиссиётлар билан тўлиб-тошмоқда! Беларусда ўзбек халқини чуқур ҳурмат қилишди. Президентларимизнинг сайёҳаракатлари самарасида биз янада яқинлашдик, бир-биримизнинг қалб ҳароратимизни сезмоқдамиз.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, Кўкон фестивали бутун дунёдаги муштарак дилларни бирлаштирган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжумани бўлди.

Нарина ХАЧАТУРЯН,
Арманистон Республикаси
таълим, фан, маданият
ва спорт вазирининг ўринбосари:

— Бундай нуфузли анжуманлар, халқаро фестиваллар узок-яқин хориж давлатлари билан дўстлик ришталарини боғлабгина қолмай, савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш, мамлакатингизнинг туризм салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳақида ҳар гал тўлқин-

ланиб гапираман. Меҳмондўст халқи, бетакрор табиати, турли ноз-неъматлари қаторида хунармандчилиги, миллий қадриятлари ҳам алоҳида эътирофга сазовор. Бу тадбир менга олам-олам завқ бағишлади. Ўзбекистонни ўзим учун яна бир бор қайта кашф этдим.

Эспиноса Франсиско ЖОРЖ,
хунарманд (Аргентина):

— Фестивалга Лотин Америкасидаги хунарманд дўстларимнинг таклифи ва тавсияси билан келган эдим. Бу тадбир менда унутилмас таассуротлар қолдирди. Хунармандлар ўртасидаги танлов ҳам шаффоф ва адолатли бўлди. Мен ҳам ўймакор уста сифатида совриндорлар сафидан жой олганимдан жуда хурсандман. Ушбу хунарим туфайли 20 га яқин давлатларда бўлдим. Лекин тарихийлик ва замонавийлик уйғунлашган Кўкон шахрини илк бор кўриб туришим. Ҳайратимнинг чегараси йўқ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ сизга қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали

ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 43 000 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 50 000 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 48 000 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 000 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3003, 3005, 8017, 9003 0,45 мм. — 55 000 сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 60 000 сўм/п.м.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тел.: (+998) 99 535-00-65, (+998) 95 197-00-93, (+998) 99 871-88-99

ООО "GLOBAL LEASING" РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ:

АРМАТУРА

СТАЛЬНАЯ ГОРЯЧЕКАТАНАЯ

ДИАМЕТР 12 мм., 14 мм. ПРОИЗВОДСТВО — КАЗАХСТАН

УГОЛОК

ДЛИНА 6м. и 9м. ТОЛЩИНА 3 мм. РАЗМЕР 40 х 40

90-398-00-27
71-236-39-63

Bobcat

«TOW Co., Ltd»

қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади.

www.uztow.com

Маҳсулотлар сертификатланган.

«Universal Services of Central Asia»

хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва Фахрийлар кенгаши ИИВ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Фахрийлар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Ўткир ЖЎРАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи жамоаси музейнинг катта илмий ходими, филология фанлар доктори

Саидбек ҲАСАНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 843 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқонлар 71-232-11-15.

Тахриратга келган кўлабмагар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахрират компьютер терминал хамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Бўтаев.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.40 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6